



ҚАРДОШЛИК РИШТАСИ

АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ТАМОЙИЛИ

ЁХУД ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТИГА ЯНГИЧА НАЗАР



Бошланиши 1-бетда

Давлатлар ўртасидаги аҳил қўшничлик маъношунай ҳамкорлик парадигмаларидан...

Мутахассислар аҳил қўшничликдан гап кетганда, унинг халқаро муносабатлар тамойили сифатида...

Тўғри, халқаро муносабатларда аҳил қўшничлик давлатларо ҳамкорликнинг фундаментал тамойилларидан бири саналади...

Бугунги кунда ҳам яқин қўшничликка дунёнинг ҳар бир минтақасида турлича ёндашувлари кузатиш мумкин...

1) тамойил амалиёти билан биргина давлатда эмас, унга туташ давлатлар — бутун бир минтақада...

2) минтақадаги сиёсий мулоқот табиати айнаан аҳил қўшничлигини илғари сураётган давлат ташқи сиёсатиға кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади;

3) аҳил қўшничлик сиёсатининг яловбардори нафақат минтақада, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилади...

Бугун жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистонга ўзгача бир нигоҳ билан, аниқроғи, Марказий Осиё минтақасида аҳил қўшничлигининг ташаббускори сифатида қарамоқда...

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, "Марказий Осиё — асрлар давомида қондош халқлар тинч ва тотув яшаб келётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир".

Марказий Осиёда аҳил қўшничлик сиёсатининг бунёдкори Ўзбекистон ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, халқаро муносабатлар тарихий-тадрижий тараққиётида яқин қўшничлигининг конструктив шакли айнаан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини йўлга қўйиш ташаббуси билан бевосита боғлиқ.

Ташаббус барча Марказий Осиё давлатлари томонидан қўллаб-қувватланди ва биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Нур-Султонда (Қозғистон)...

— биринчидан, маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги ва уларнинг ривожланиши буйича бир қатор сценарийлар мавжуд эди.

— учинчидан, яқин-яқин йилларгача ҳавфсизлигининг бўлилмалиги тамойилига нисбатан минтақа давлатларида муносабатлар ҳам турлича бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистоннинг чегарадош давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларининг самараси ўлароқ, бутун Марказий Осиёда сармоявий жозибадорлик муҳити ҳам кенгайиб бормоқда.



Баҳоларининг давомийлиги минтақавий ҳавфсизликни таъминлашга нисбатан потенциал таҳдидларни сақлаб турарди.

Бугун Марказий Осиёда конфликтдан қўра, консенсус шукуҳи устувор. Минтақа давлатларида барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлашга муҳим омил сифатида қаралмоқда.

— иккинчидан, ўтган йиллар давомида ташқи дунё Марказий Осиёга доир мулоқотларда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тенденция — ё ҳамкорлик, ё рақобатдан баҳс этар эди.

— тўртинчидан, иқтисодий ҳамкорлик яқин қўшничлик алоқаларининг муҳим тармоғига айланиб бормоқда.

ХУШХАБАР

НУФУЗЛИ ГЛОБАЛ РЕЙТИНГЛАРНИНГ ЭЪТИРОФИ

Бошланиши 1-бетда

Таъкидлаш керак, Times Higher Education ташкилотининг "THE Impact Rankings" рейтингини дунё мамлакатлари университетлари томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги муваффақиятларини баҳолайди.

Ушбу рейтингда Тошкент давлат юридик университети дунёнинг 94 та минтақа ва давлатларидан қатнашган миндан ортиқ университетлар орасида 401-ўринни эгаллади.

Университетимиз "THE Impact Rankings"нинг етти таълим сифати, гендер тенглиги, муносиб иш жойи ва иқтисодий ўсиш, саноат, инновация ва инфратузилма, тенгсизликни қисқартириш, тинчлик, адолат ва кучли институтлар, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлик йўналишларида иштирок этиб, яхши натижаларни қайд этди.

Албатта, биз ушбу натижалар билан чекланиб қолмасдан, бу борадаги ишларимизни давом эттириб, халқаро QS ва THE ташкилотларининг минтақавий ва глобал рейтингларида ҳам иштирок этиш буйича тизимли ишларни амалга оширмоқдамиз.

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

Америкалик киноижодкорлар Ўзбекистон ҳақида фильмлар суратга олмоқда



АҚШнинг "Mystery Box" компаниясининг суратга олиш гуруҳи Ўзбекистонга келди.

Ушбу ташриф Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобовнинг "Mystery Box" компанияси раҳбари Жейкоб Шварц билан учрашувидан сўнг амалга оширилди.

Музокарада ижтимоий тармоқларда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида 30 дақиқалик видеоматериал тайёрлаш ва уни "iFit" спорт тизимига жойлаштириш, жорий йилнинг июнь ойида суратга олиниши давом эттириладиган Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги фильмнинг икки дақиқалик трейлерини тасвирга олиш тўғрисида келишувга эришилган.

"Mystery Box" компанияси 2010 йилда ташкил этилган. Юта штатида жойлашган компания барча турдаги видеоматериаллар, шу жумладан, фильмлар, телевизион сюжетлар, муслик клиплар, реклама роликлари ва бошқа ижодий маҳсулотларни суратга

олишга ихтисослашган. 2019 йилда ушбу компания "YouTube" каналида 1,6 миллиондан ортиқ киши томоша қилган "Uzbekistan 8k" видеоролигини тайёрлаган.

Жейкоб Шварц АҚШ делегацияси Ўзбекистонга ташрифи чоғида "8k" форматдаги тасвир сифати юқори бўлган учта медиа маҳсулотни суратга олишини маълум қилди.

Биринчи материал АҚШда кенг оммалашган "iFit" замонавий пуллик спорт машғулотлари тизимига жорий қилиш учун тайёрландиган ярим соатлик видеоролик бўлади.

Иккинчи материал тарихий шахарларнинг мезморий бойлиқларини очиб берувчи 5-7 дақиқалик видеоролик ташкил қилади.

Учинчи ижодий маҳсулот Амир Темур ҳақидаги фильмнинг икки дақиқалик трейлери бўлиб, уни Netflix, Amazon, Hulu ва бошқа пуллик телевизион платформаларга жойлаштириш режалаштирилган.

"Дунё" АА Вашингтон

Малайзияга қуритилган меваларнинг навбатдаги жўнатмаси етказилди



Ўзбекистоннинг Куала-Лумпур шаҳридаги элчионаси кўмағида ушбу мамлакатга бодом, ёнғоқ, майиз, туршак, шунингдек, анжир мураббоси ва асал етказиб берилди.

Маҳсулотлар мамлакатимизнинг "Golden Prime Food" компанияси томонидан Малайзиянинг "Deli Fruits Trading" савдо компаниясига тақдим этилди.

Коронавирус пандемияси туфайли Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида тўғридан-тўғри авиарейслар вартинча тўхтатилгани сабабли юклар Куала-Лумпур шаҳрига Туркия орқали етказилди.

"Дели Фруитс Трейдинг" компанияси менежери Назатул Шиманинг таъкидла-

шича, ушбу маҳсулотларнинг янги жўнатмасини сотиш Куала-Лумпур шаҳри ва Жоҳор штати савдо тармоқлари орқали амалга оширилди.

"Биз май ойида ўзбек мева-сабзавотларининг навбатдаги партиясини кутяптим", деди у. Малайзиялик тадбиркор, шунингдек, Ўзбекистондан импорт қилинадиган маҳсулотлар сифати малайзиялик хариддорлар талабига тўла вақо бераётганини қайд этди.

Мамлакатимиз элчионаси Малайзия бозорида Ўзбекистон маҳсулотларини илғари суриш буйича ишларни фаол давом эттирмоқда.

"Дунё" АА Куала-Лумпур







